

Муносабат



БУЮК ОЛИМ ДАҲОСИГА ЭҲТИРОМ

Юртимиз қадимдан буюк олим ва мутафаккирлар бешиги бўлган. Дунё тамаддуни ривожига ўзининг ўчмас изини қолдирган унлаб алломаларимиз борки, уларни ҳар қанча улуғласак, илмий-маърифий меросини чуқур ўрганиб, кенг тарғиб қилсак арзийди. Президентимизнинг 2022 йил 25 августдаги "Буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори ана шу йўлда муҳим ҳужжатлардан бири бўлди.

Маълумки, буюк мутафаккир Абу Райҳон Беруний Шарқнинг биринчи Ренессанси даври намояндасидир. Маълум академияси — Дорул ҳикма асосчиси бўлиб, буни бир қанча вақт мобайнида уни бошқарган қомусий олимидир. Ўз даврида Абу Наср Мансур ибн Ироқ ва Беруний тақлифи билан 1004 йилдан бошлаб Нишопур, Балх, Бухоро ва ҳатто араб дёридан ҳам олимлар Гурганжга келган. Шу тариқа 1004 йили Гурганжда "Дорул ҳикма" (ҳозирги Хоразм Маълум академияси) номи олинган илмий муассаса — академия ташкил қилинган эди. Ушбу даргоҳда Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Мансур ибн Ироқ, Абу Саҳл Масъудий, Абул Ҳайр ибн Хаммор, Абу Мансур ас-Саъдий, Абу Али ибн Мисқолий, Абдулқадир Муҳаммад ибн Абдулмалик ас-Солх, Хоразмий, Ҳамдамий, Абу Абдуллоҳ ал-Бийан ал-Найсабурий, Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Суҳайлий ал-Хоразмий, Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Саҳрий, Маҳмуд Хамид ибн Хидр ал-Ҳужандий каби кўплаб фан намояндалари илмий тадқиқот ишларини олиб боришди. Айни шу давр Беруний илмий ижодининг гуллаган палласи эди.

Абу Райҳон Беруний илмий меросини бугун бутун дунё олимлари ўрганмоқда, шу асосда аллома асарларининг, илмий ҳулосаларининг янги қирралари кашф қилинмоқда. Ҳозирги кунда Беруний илмий меросини мукамал тарзда ўрганиш учун халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, чет эл кўлемлар фондларида сақланган аллома асарларининг кўлемлари факсимиле нусхаларини олиб келиш, илмий танқидий матнларини нашр қилиш зарурати мавжуд эди.

Президент қарори Беруний авлодларининг олдига турган мазкур вазифаларни бажариш учун кенг имконият очиб берди. Бугунги кунда юртимизда Беруний номи билан боғлиқ ҳудудлар, обид ва қадимжолар, ёдгорлик мажмуалари мавжуд бўлиб, уларни ҳам туристик маршрутга киритиш, ички ва ташқи сайёҳларни жалб қилиш, таништириш, янги мажмуа ва ҳиёбоналар барпо қилиш зарурати бор эди. Қарорда бунга алоҳида эътибор берилгани жуذا қувонарли ҳолдир. Чунончи, ҳужжатга мувофиқ, республикамиздаги Абу Райҳон Беруний номи билан боғлиқ обид ва қадимжолар, жумладан, аллома шарафига ўрнатилган ёдгорлик мажмуалари мукамал таъмирланади ва уларнинг ҳудудлари ободонлаштирилиб, "Буюк Беруний мероси" халқаро сайёҳлик йўналишлари йўлга қўйилади.

Олимлар ва мутахассисларнинг тақлиф-мулоҳазалари бўйича ишлаб чиқилган концепция асосида Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида 2023 йил якунига қадар Абу Райҳон Беруний мажмуасини қуриш ва унинг ҳудудига илмий-маърифий, маданий ва дам олиш ҳамда туризм объекти фаолиятини ташкил қилиш кўзда тутилган.

Қорорда таъкидлангани каби алломанинг илмий меросини чуқур ўрганиш, унинг ҳаёти ва ижоди ёритилган тарихий-бадвий, илмий асарлар яратиш ва кенг тарғибчиликка тарғиб этиш, асарларини араб тилидан таржима қилиб, "Мукамал асарлар тўплами"ни нашрдан чиқариш зарур. Қарорда ушбу долзарб вазифа ҳам эътибордан четда қолмаган. Олимларимиз олдига Абу Райҳон Беруний меросини ўрганиш мақсадида халқаро миқёсда кенг

қўламли илмий изланишлар олиб бориш ва уларнинг натижаларини эълон қилиш, шу мавзуда илмий, бадий-публицистик асарлар яратиш, хорижий олимларнинг асарларини ўзбек ва қорақалпоқ тилларида нашр этиш вазифаси қўйилмоқдаки, бу жиддий ёндашувни талаб қилади. Яратилган тарихий-бадвий, илмий асарлар жонлиқ миқёсда бўлиши ва кенг қитбоҳлар жамоасига етиб бориши зарур.

Замонавий дунёда, ривожланган ахборот технологиялари асрида яшамолдамиз. Буларни ҳисобга олган ҳолда қарорда Беруний ҳаёти ва ижодини акс эттирувчи юқори сифатли медиа маҳсулотлар ҳамда аудиовизуал асарлар яратиш, уларни маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида эфирга бериб бориш, интернет ва ижтимоий тармоқларга жойлаштириш, дунё миқёсда ҳештег ва челленж каби тарғибчилик замонавий технологияларини қўллаш белгилаб қўйилдики, бу Беруний илмий меросини ёш авлодга ва янада кенг аудиторияга мукамал таништириш имконини беради.

Жаҳонда ҳам, юртимизда ҳам Абу Райҳон Беруний ижодини ўрганишга бутун умрини сарфлаган заҳматқаш олимлар талайгина. Уларни муносиб тақдирлаш, рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш муҳим ва савобли амалдир. Президентимиз мазкур ҳолатга алоҳида эътибор қаратиб, Абу Райҳон Берунийнинг илмий-маърифий меросини дунё миқёсда чуқур ўрганиш ва оммалаштиришга улкан ҳисса қўшган шахсларни ҳамда илмий-ижодий муассасаларни тақдирлаш мақсадида Абу Райҳон Беруний номидаги халқаро мукофоти тасвир этиш вазифасини қўйгани жуذا муҳимдир.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон заминда учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ташаббусини илгари сурмоқда ва унинг рўйи учун барча имконият ишга солинишига ҳақдор эди. Аввало, илм-фан ривожига жиддий эътибор берилганлиги илмий даргоҳларда тадқиқотлар учун зарур шарт-шароит яратилмоқда. Қарорда ҳам Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими ва Хоразм Маълум академиясининг моддий-техника базасини мустақамлаш, уларда маданий мерос объектлари, жумладан, археология мероси объектлари, музей ашёларини реставрация ва консервация қилишга ихтисослаштирилган лаборатория ташкил қилиш ҳамда уларни замонавий жиҳозлар билан таъминлаш белгилангани бежиз эмас. Чунки юқорида таъкидлангани каби Маълум академияси алломаларининг яратган асарларидан таралаётган нурафшонлик, асарлар ўтса-да, истибқотган ҳизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари эътибори ва ташаббуси билан бугунги кунда Хоразм Маълум академияси фаолияти замон андозаларига мос тарзда ривожланиб бормоқда. Ушбу масканда фаолият олиб бораётган олимларнинг сайёҳаракатлари, яратган кашфиётлари, илмий асарлари мамлакатимизда учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этишда муҳим ўрин тутганига ишонамиз.

Умуман олганда, мазкур қарор нафақат буюк олим даҳосига эҳтиром ифодаси, балки бир қанча даврлардан бери ечилмай келган масалаларни ҳал этиш учун муҳим ҳуқуқий асос бўлгани билан юртимиз олимларини жуذا қувонтирди. Албатта, ушбу ҳужжат ижросида юртимиз ва хорижда илм-фанни қадрлаган ҳар бир инсон жонбозлик кўрсатади.

Иқром АБДУЛЛАЕВ, Хоразм Маълум академияси раиси, биология фанлари доктори, профессор.



Сурхондарё анорчилиги:

ҲАЁТИЙ ТАЖРИБА ВА ИЛМ-ФАН УЙҒУНЛИГИ

Дунёнинг тропик ва субтропик мамлакатлари, хусусан, Ўрта Осиёнинг жануби, Қрим, Кавказ, Эрон, Афғонистон ва Догистонда катта майдонларда дунёга машҳур анор плантациялари мавжуд.

Мамлакатимизда меваларнинг тождори бўлган анор етиштиришда Кува, Варганза, Дашнобод ҳамда Шерободда катта ҳаётий тажриба шаклланган бўлиб, бугунги кунда ушбу ҳудудларда анорнинг деҳқончилик усуллари қатори замонавий агротехнологиялардан кенг ва унумли фойдаланилмоқда. Айни пайтда юртимизда анорнинг 40 дан ортиқ навлари парваришланади.

Изланиш

Анор плантацияларининг ёши ҳамда маҳаллий навларига қараб, ҳар гектар ердан ўртача 15 — 35 центнер ҳосил олиш мумкин. Анор меваси таркибида кўплаб биокимёвий моддалар мавжудлиги туфайли кундалиқ истеъмолда ҳам ва тиббиётда кенг фойдаланилади. Бу мева таркибида инсон организми учун жуذا фойдали микроэлементлар кўплиги боис қандолатчилик, шу билан бирга, халқ ҳужалигининг турли соҳаларида терини ошлаш, газламаларни бўяшда ҳам ишлатилади. Гулбарги ва мева пўстидан бўёқ, донидан шарбат тайёрланади. Ёввойисидан лимон кислотаси олинади, унинг баъзи турлари манзарали ўсимлик сифатида ҳам экилади.

Мамлакатимиз Президенти 2021 йилнинг 1-2 июнь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида Шеробод туманида бўлиб, анорчилик соҳасини илмий асосда ривожлантириш, айти йўналишда малакали кадрларни тайёрлаш, шунингдек, янги маҳаллий навларни яратиш, юқори ҳосилдорликка эришиш, анор маҳсулотининг экспорт ҳажми ва даромад миқдорини янада ошириш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берган эди.

Сурхондарё вилоятининг қишлоқ ҳужалиги соҳасида янги инновацион ишланмалар ва тавсияларни ишлаб чиқишда Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти қошида ташкил этилган "Тажриба-маслаҳат маркази" (Extaction center) ДУК ҳамда Шеробод туманидаги анорчиликка ихтисослаштирилган "Сардорбек-Султонбек"

МЧЖ ҳужалиги билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган. Айни жараёнда ҳудуднинг табиий-иклим шароитига мос маҳаллий анор навларини аниқлаш, уларни морфо-биологиясини ўрганиш, кўчатчиликни ривожлантириш, анор плантацияларини янги тежамкор технологияларни қўллаган ҳолда сув, меҳнат ва минерал озуқа сарфини камайтириш, тажриба майдончасининг фитосанитар ҳолатини ўрганиш, экспорт-боп ҳамда жаҳон бозорига рақобатбардор маҳсулотлар етиштириш борасида илмий изланишлар олиб боришмоқда.

Юртимизда анор етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари самараси сифатида яқин келажакда йиллик ишлаб чиқариш ҳажмини камида 600 минг тоннадан ошириш кўзда тутилган. Хусусан, 2021-2022 йилларда Сурхондарёда 9 минг 432 гектар ерда анорзорлар барпо этиш орқали йиллик ҳосил ҳажмини 300 минг тоннага етказиш мақсад қилинган. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, 2026 йилгача жаҳон бозорига анор маҳсулотларига бўлган талаб сезиларли даражада ошириш кутилган. Бу эса мамлакатимизнинг барча ҳудудда анорчилик тармогини жадал ривожлантиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳужалиги вазирлигининг 2021 йил 21 декабрь кунги буйруғига асосан, Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институтида анорчилик соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бораётган 13 нафар ёш олим малака ошириш мақсадида Туркиянинг Акдениз университетига юборилди. Институтида қишлоқ ҳужалигининг барча тармоғи, аниқлиса, мева-сабзавот ва

уруғчилик соҳасида дунёнинг 40 дан ортиқ давлатлари олимлари билан фаол ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб борилаётгани эътиборга созвордир. Олий таълим муассасасининг "Anamas tuhum" лабораториясида ўсимликларнинг касаллик кўзгатувчи микроорганизмларини ўрганиш, туپроқдаги ўсимлик илдиз тизимида яқин бўлган ва ўсимликларнинг янги ривожланишида ёрдам берувчи фойдали микроорганизмларни ажратиш олиш ҳамда кўпайтиришда ҳам ўзига хос тажриба мактаби яратилган.

Туркиянинг Анталия шаҳрида жойлашган Гуней агропаркида 114 гектар майдонга эга бўлган "Ar-Ge" лабораторияси мавжуд бўлиб, унда ҳар хил мевалардан "in vitro" усулида кўчатлар тайёрланади. Ҳазирда, агропарк плантацияларида етиштирилган кўчатлар ички бозор ҳамда хорижда экспорт қилинади. Яқинда ушбу йўналишдаги илгор тажрибаларни ўзлаштириш мақсадида Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти, Сабабот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти ҳамда "Lider Tohum Uretim ve Pazarlama Ltd." уртасида узаро ҳамкорлик бўйича англашув меморандуми имзоланди.

Ҳозирги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатларида мевачилик соҳасида минерал ва маҳаллий ўғитлар тақчиллигининг олдини олиш, туپроқнинг сув-физик хоссаларини яхшилаш, унумдорлигини оширишда ноанъанавий агротехнологияларни қўллаш янги натижа бермоқда. Шу боис институтида олимлар ва тадқиқотчилари анор плантацияларида қўлла-



наладиган сув сарфини камайтириш ва ўсимликнинг сувга бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун ноанъанавий агротехнологиялардан кенг фойдаланиш устида илмий изланишлар олиб бормоқда.

Ноанъанавий агротехнологиянинг афзаллиги шундаки, ўсимликларнинг табиий озқиланишини таъминлайди, туپроқнинг сувни ушлаб қолиш хусусиятини яхшилайди, туپроқ ва сувни заҳарли кимёвий элементлар, оғир металллар ва нурланиш (радиация)дан тозалайди. Умуман айтганда, ўсимликларнинг физиологияси жараёнда катализатор сифатида фотосинтезда, модда алмасишувида, нафас олишда ва ўсимликнинг касалликларга бардошлилигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш ўринлики, бундай катта захирага эга бентонит кони юртимизнинг жанубий Ақрабат, Оқтош, Майдон, Ғузур, Яқкабоғ, Пачкамар, Деҳқонобод ва Ҳовдак ҳудудларида мавжуд. Ноанъанавий минераллар ва уларнинг кўплиги ҳамда арзонлиги билан қишлоқ ҳужалигидаги баъзи етиштирилган минераллар ўрнини тўлдириш ёки қўшимча равишда ишлаш шосил салмоғи ва сифатини оширишда

кутилган самарани беради. Бугун фермер ва деҳқон ҳужаликлари раҳбарлари, шахсий томорқа ер эгалари туپроқ унумдорлиги пасайиб боришига, биринчи навбатда, доимий бир хил турдаги экин экиш ва айрим ҳолларда экинлар парваришида агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ўтказилмаслиги каби ҳолатлар сабаб бўлишини унутмаслиги лозим. Бу қишлоқ ҳужалиги экинларидан олинган ҳосил салмоғига жиддий таъсир кўрсатувчи омилдир.

Юртимизда туپроқ унумдорлигини оширишда илмий асосланган ҳолда ҳар уч йилда 25 — 30 тонна қўшимча органик озуқа билан туپроқни бойитиш тавсия этилади. Аммо бу борадаги имкониятлар челлангилари учун табиий захираси мўл ва арзон ноанъанавий агротехнологиялар, улар асосида тайёрланган кимёвий ўғитлардан қўшимча озуқа сифатида фойдаланиш мақсадида мувофиқ бўлади.

Хулоса ўрнида айтганда, Сурхондарёда янги анор плантациялари яратиш, ҳосилдорлигини кўтариш, агротехник тадбирларни амалга оширишда ҳаётий тажрибалар билан бирга илмий, инновацион усуллардан унумли фойдаланиш зарур. Айни чоғда анор маҳсулотларини илгор технологиялар асосида маҳаллий шароитда қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратиш ҳам давр талаби.

Табиий дармондориларга бойлиги ва бошқа кўплаб фойдали хусусиятлари сабабли Ўзбекистон анори жаҳон бозорига тобора харидорлиқ бўлиб бормоқда. Шу боис мамлакатимизда анор экспорти ҳажмини ошириш ва тармоқдан олинган даромад салмоғини кўпайтириб бориш соҳа истиқболини белгилаб берувчи устувор вазифалар сирасига киритилган.



Абдугаффор ЖҲУРАЕВ, Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти ректори вазифасини бажарувчи, иқтисодий фанлари доктори, профессор.

ЁШЛАР ҲАР ДОИМ ЭЪТИБОРДА

Ҳар қандай давлатнинг тарихий тараққиёт йўлига назар солсак, юртининг жадал ривожланиши, муайян ютуқларга эришиши, халқнинг фаровон бўлиши ўша давлатда ёш авлод таълим-тарбияси ва келажикга берилган эътибор даражасига боғлиқ.

Шу боис бугун юртимизда давлатимиз томонидан ёшларнинг ҳар томонлама баркамол ва етук, Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўша оладиган инсонлар бўлиб етиштирилиши учун барча шароит яратилиб, катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Фикр

Қолаверса, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, зарур шарт-шароитлар яратиш бериш борасида мустақам ҳуқуқий база шакллантирилган бўлиб, бу тизим замон талабларига ҳамоханг равишда тақомиллаштирилиб бориляпти.

Хусусан, бугунгача парламент томонидан ёшларга оид 40 дан зиёд қонунлар қабул қилинган бўлиб, 30 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинган. Бунга мисол қилиб, 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонун ҳамда 2018 йил 27 июндаги "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури тўғрисида"ги Президент Фармони келтириш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам бу масала алоҳида ўз аксини топди. Жумладан, ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган устувор вазифалар белгиланиб, бу борада ўтган давр мобайнида кенг қўламли ва самарали ишлар олиб борилди.

Мамлакатимизда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан асосий муаммо ва тўсиқларни аниқлаш ҳамда камбағалликка қарши кураш борасида комплекс чора-тадбирларни белгилаб олиш мақсадида 2021 — 2030 йилларда камбағалликни қисқартириш бўйича миллий стратегия лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ушбу стратегия лойиҳаси вазифаларини амалга ошириш мақсадида олий

таълим муассасаларида таҳсил олаётган давлат қарамоғидаги, боқувчисини йўқотган талаба ёшларни моддий қўллаб-қувватлаб, уларга ҳар ойда моддий ёрдам пули берилиши ва талабалар турархोजларига жойлаштириш йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган талабаларга озик-овқат ва кийим-кечак хариди учун 10 миллион сўмдан ажратилиб амалиётини нодавлат олийгоҳларда ҳам жорий этилиши кўзда тутилган.

Бу ҳали ҳаммаси эмас, албатта. Ёшларни қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар изчил давом эттириляпти. Хусусан, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясидаги мақсадларда ҳам ёшлар билан ишлаш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, сиёсий,

ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, сиёсий жараёнларга фаол жалб қилиш, ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига алоҳида уруғ берилган.

Шунингдек, жорий йилда йигит-қизларнинг олий таълим билан қамров даражасини 38 фоизга, жисмоний тарбия ва спортга жалб қилинган навқирон авлод улушини 40 фоизга етказиш, ёшларни нуфузли хорижий олийгоҳларга ўқишга юбориш қўламини 2 баравар ошириш, имконияти челланганлар учун инфратузилма, турли миллат ёшлари учун қўшимча қулай шарт-шароитлар яратиш, уларда фуқаролик бурчини англаш, ватанпарварлик, бағрикенгликка асосланган миллатлараро муомала маданиятини юксалтиришга қаратилган мақсадлар ҳам Тараққиёт стратегиясининг муҳим вазифаларидан.

Умуман олганда, ўғил-қизларнинг таълим олиши, қисқ-хунар эгаллаши, етук инсонлар бўлиб улғайиши йўлида замонавий, илгор инновацион шарт-шароитларни яратиш учун юртимизда бор куч ҳамда имкониятлар ишга солинимоқда. Ва албатта, бу ўз самараларини кўрсатаётди. Буни ёшларнинг турли соҳаларда эришган ютуқларидан ҳам англаш мумкин.

Ноил МУСТАФОЕВА, ТДЮУ Хорижий тиллар кафедраси катта ўқитувчиси.



Footer section containing contact information for 'Xalq S'uzi' newspaper, including address, phone numbers, and subscription details.